

№ 2 сонли ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

13.04.2022

Андижон вилояти.

Кейинги ўринда «Бош пудратчи» деб юритиладиган “2-Кўприкқурилиш отряди” УК номидан Низом асосида иш кўрувчи директори в.б. **Норматов Р.К.** бир томондан ва кейинги ўринларда «Ёрдамчи пудратчи» деб юритиладиган «**БАРАКАЛИ ҚУРУВЧИ ИНМ**» МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи директори **Исмоилов Н.М.** иккинчи томондан, мазкур шартномани харид қилиш бўйича тендер камиссиясининг ЛОТ № **62397** сонли байонномасига асосан куйидагилар хақида туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада кўйдаги тарифлар кулланилади
- 2.

Ижро хужжатлари: натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгартиришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар, оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар:

Қурилиш майдони: мазкур шартнома доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича бош пудратчи томонидан ёрдамчи пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади:

Вақтинчалик ишлар: ёрдамчи пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган хар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоатлар:

Беркитилган ишлар: ишни сифати ва яқунланганлигини кейинги ишлар бажарилгандан сўнг аниқлаш мумкин бўлмаган, кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1 Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик Андижон шаҳар Бобуршоҳ кучасидаги 2 ён қисмини боғловчи темир йул устидан қурилиш йўлини утказгич қурилиш обекти ҳудудида (Биокимё заводи тарафи) сув ва оқава сув иншоатларини кучириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, бош пудратчи эса ёрдамчи пудратчи бажарган ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича **ёрдамчи пудратчи** томонидан бажариладиган ишлар қиймати бўйича солиқлар, қушимча қиймат солиғи, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда 1 398 483 538 (Бир миллиард уч йуз туксон саккиз миллион тўрт йўз саксон уч минг беш йуз ўттиз саккиз) сўмни ташкил этади.

3.2 Ишлар қиймати узил кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкун эмас, қуйдаги ҳоллар бундан мустасно.

-Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб булганда:

-Ишлар ҳажми бош пудратчи томонидан ёзма равишда берилиб узгартирилганда:

-Ёрдамчи пудратчи ташкилот солиқ туловчи сифатида бошқа солиқ турига утганда белгиланган нархга узгартириш киритилади:

IV ЁРДАЧИ ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.3 Мазкур шарнома бўйича ёрдамчи пудратчи мазкур шарноманинг 2- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун қуйдаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

-Барча ишларни объектни лойҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ, шарномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда, ўзининг кучлари ва (ёки) жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни бош пудратчига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш:

-Қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, топшириш, омборга жойлаш ва сақлаш:

-Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш:

-Суб пудратчилар билан шартномалар тузилиши шартнома мазмуни, суб пудратчининг номи ва манзили тўғрисида бош пудратчига ёзма равишда хабардор қилиш:

-Уз.Р.ВМнинг 20.12.1999 йил №532-сонли қарорига асосан, қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш.

-Объектда қонунчиликда белгиланган меҳнат ва хавсизлик техникасини таъминлаш:

-Қурилиш майдонини қўриқлашни таъминлаш:

-Ёрдамчи пудратчи ҳисобот ойнанинг 27-28 кунидан кечикмаган ҳолда бош пудратчига ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати бўйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган ҳисобот ҳужжатларини (счёт-фактура) тақдим қилиши, бундан ҳисобот ҳужжатларига бажарилган ишлар, қўлланилган қурилиш материаллари ва конструкцияларининг калькуляцияси, сифат сертификат ива бошқа керакли ҳужжатлар илова қилиниши:

-Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойҳа-смета ҳужжатлари бўйича объектда бажариладиган иш қисмларининг олдинги фотосуратларини бош пудратчига тақдим қилиш:

-Объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилган сўнг, бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларини бош пудратчига тақдим қилиш:

-Ёрдамчи пудратчи, бош пудратчи томонидан ўтказилган маблағларни тўғри сарфланиши бўйича (талаб қилинган ҳолларда) намунавий шаклдаги ахборотни бериб туриши:

-Ёрдамчи пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини бош пудратчининг ёзма рухсатисиз, суб пудратчиларга фойдаланишлари учун берилишидан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

-Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва суб пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши бўйича бош пудратчи олдида тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

V. БОШ ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун бош пудратчи:

-Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддат ичида, ишларни бажариш учун объект лойха-смета хужжатларини, яркли булган курилиш майдонини курилиш объектида тугалланганига кадар булган даврга, далолатнома билан ёрдамчи пудратчига бериши:

-Ишлар бажарилиши устидан доимий, архитектура курилиш назорати ва мазкур шартномада кайд этилган ёрдамчи пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиши, ёрдамчи пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш:

-Молиялаштирилиши жадвалига ва шартнома шартларига биноан, ёрдамчи пудратчига бунак (аванс) бериш ва молиялаштиришни амалга ошириши:

-Шартнома шартлари буйича олган мажбуриятларни тулик хажмда бажаришни зиммасига олади:

VI ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

6.1 Шартнома миллий валюта (сумда) узаро хисоб-китоб килинганда томонлар учун имзоланган пайтидан бошлаб кучга киради:

Ёрдамчи пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвали (1-илова)га мувофик биринчи аванс тулови амалга ошириб беради.

6.2 Ёрдамчи пудратчи объектида тула таъмирлаш ишларини белгиланган муддатда тугатиб, объектниурнатилган тартибда фойдаланишга топширади:

6.3 Мазкур шартнома буйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

7.1 Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчига шарнома буйича 2022 йил режанинг умумий киймати 1 398 483 538 (Бир миллиард уч йуз туксон саккиз миллион тўрт йўз саксон уч минг беш йуз ўттиз саккиз) сумни 15% фоиз микдорида аванс маблаг билан молиялаштирилади бу 209 772 530 (икки йуз тўккиз миллион етти юз етмиш икки минг беш юз ўттиз) сумни ташкил қилади.

7.2 Бош пудратчи томонидан Ёрдамчи пудратчини жорий молиялаштириш, ёрдамчи пудратчи томонидан бажарилган курилиш-монтаж ишлари боскичма-боскич учун молиялаштириб борилади.

7.3 Жорий молиялаштириш амалда бажарилган ишларга мувофик (бажарилган ишлар сифати ва хажми текширилгандан кейин), берилган авансни пропационал ушлаб қолишни хисобга олган холда, объектнинг умумий шартномавий жорий кийматнинг 95 фоизи микдорида амалга оширилади.

7.4 Ёрдамчи пудратчи бош пудратчига шартнома суммасининг 2 фоиз микдорида комиссия тулов мажбуриятини уз зиммасига олади.

7.5 Объектнинг шартномавий жорий кийматининг колган 5 фоизини тулаб бериш Бош пудратчи ва фукаролар томонидан шикоятлар булмаган тактирда объектни фойдаланишга топширилгандан сунг амалга оширилади.

7.6 Ёрдамчи пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектига мулк хукукини узида саклаб қолади. Объект Бош пудратчига топширилгунга кадар объектнинг тосодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Ёрдамчи пудратчининг зиммасида булади.

VIII ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

8.1 Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва

бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

IX. КАФОЛАТЛАР

9.1. Ёрдамчи пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишини;

9.2. Иншоот ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, хом ашёлардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар далолатномани имзолаган кундан бошлаб бир ой этиб белгиланади.

9.3. Агар иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Ёрдамчи пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

9.4. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар Ёрдамчи пудратчи ва Бош пудратчи ўртасида далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади. Ёрдамчи пудратчи нуқсон ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, Бош пудратчига бу ҳақда ёзувларни киритади.

X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1 «Ёрдамчи пудратчи» ва «Бош пудратчи» уртасида узаро шартнома имзолангандан сунг жорий таъмирлаш ишларини бажарадиган бино ёки иншоот қурилиш участкасини буюртмачидан далолатномага асосан қабул қилиб олади. Қурилиш майдони ёки участкаларда техник хавфсизлик коидаларига келишилган ишларни бажариш вақтида атроф муҳитнинг тозалиги меҳнат муҳофазаси ёнгини олдини олиш зарурий тадбирларни ишлаб чиқади ва бунга амал қилади. «Ёрдамчи пудратчи» мазкур шартномадаги барча ишларни уз кучлари билан бажарилиши ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Бош пудратчи» олдида тулик жавобгар. «Ёрдамчи пудратчи» мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тулови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади. «Ёрдамчи пудратчи» объектни фойдаланишга топширгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект «Бош пудратчи»га топширилгунга қадар объектни тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи «Ёрдамчи пудратчи»нинг зиммасида бўлади. «Ёрдамчи пудратчи» узининг томонидан қурилишда

кулланиладиган курилиш материаллари асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга Давлат стандартларига, техник стандартларига техник шартларга мувофиқ булиши ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга булишини кафолатлайди. Агар «Ёрдамчи пудратчи» келишилган ишларни белгиланган муддатларда тугата олмаса ишлар сифатсиз холда булган деб топилса «Ёрдамчи пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарни «Буюртмачи»га тулайди. «Ёрдамчи пудратчи» бу шартномада курсатилган курилиш таъмирлаш ишларини қабул қилиш комиссиясига лойиха хужжатлари асосида ишини сифатли бажарган холда топширади.

11.2 Курилиш ишларини бажариш учун ажратилган бино, иншоат, курилиш участкасини далолатномаси билан «Ёрдамчи пудратчи»га топширади.

Курилиш ишларини бажарилиши устидан «Бош пудратчи» вакиллари курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган. «Ёрдамчи пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиб боради. «Ёрдамчи пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлайди. Молиялаштириш жадвалига биноан аванс маблағи беради. Белгиланган ишларни яқунланган деб топилиб комиссия орқали қабул қилинганда молиялаштиришни амалга оширади. «Бош пудратчи» курилиш майдонида уз вакилини техник аудиторини тайинлайди у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек «Ёрдамчи пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқ текширади.

11.3 Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб пудратчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, ишлар ва хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар етказиб берганлик учун жарима пудратчидан акцентсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг сифати, ассортимент ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

11.4 «Ёрдамчи пудратчи» ишларни бажариш графигида кўрсатилган муддатларда курилиш ишларини тугатмаган тақдирда «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

11.5 «Бош пудратчи» шартноманинг 2-қисмида кўрсатилган муддатларда бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаган тақдирда «Ёрдамчи пудратчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

11.6 Шартномада бошқа тартиб назарда тутилмаган булса, хужалик шартномаларни бажармаганлик ва лозим даражада бажарманлик учун «Хужалик юрутувчи субъектлар

фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида”ги қонунинг 25-32 моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қулланилади

XII. Низоларни ҳал қилиш тартиби

12.1 Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар тарафларнинг узаро келишуви билан ҳал қилинади.

12.2 Низоларни тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун қондасига асосан ҳужалиқ судида ҳал қилинади.

XIII. Бошқа шартлар

13.1 Ушбу шартномага киритиладиган барча узғаришлар ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзолангандан кейин ҳақиқий ҳисобланади.

13.2 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 671-моддасига биноан:

Агар техник ҳужжатларга ўзгаришлар киритиш туфайли бажарилиши керак бўладиган қўшимча ишлар қиймати жиҳатидан сметада кўрсатилган қурилиш умумий қийматининг ўн фоизидан ошиб кетмаса ва қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини ўзгартирмаса, буюртмачи техник ҳужжатларга ўзгаришлар киритишга ҳақли.

Техник ҳужжатларга ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилганига нисбатан каттароқ ҳажмда ўзгаришлар киритиш тарафлар келишган қўшимча смета асосида амалга оширилади.

Агар ишнинг қиймати пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра сметадан камида ўн фоиз ошган бўлса, пудратчи ушбу Кодекснинг 382-моддасига мувофиқ сметани қайта кўриб чиқишни талаб қилишга ҳақли.

Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликларни аниқлаш ва йўқотиш билан боғлиқ оқилона харажатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

13.3 Бажариладиган барча ишлар “Қуприкқурилишлойиҳа” УК томонидан ишлаб чиқилган “Ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш учун топширик” га асосан бажарилсин.

13.3 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилган булиб тарафлар имзоларидан сунг ҳақиқий деб ҳисобланади.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ёрдамчи пудратчи»

“Баракали қурувчи ИНМ” МЧЖ

Булокбоши т.Булокбоши М.ИСМОИЛИЙ МФЙ

Гулдаста кўчаси

х/р 2020 8000 3052 2612 7001

АТ Халқ банк Хўжаобод фил МФО-00656

ИНН-307399115



Корхона Бошлиғи

Н.М.Исмоилов

«Бош пудратчи»

“2- Қўприкқурилиш отряди” УК

Андижан т. Куйган-ёр ШФЙ,

Олтин водий кўчаси № 50 уй

х/р: 2021 0000 0008 1281 3001

АКИБ "Ипотекабанк" Мирабод бўлими МФО- 00420

ИНН-305 131 126

ОКЭД-42130



Отряд Бошлиғи в.б.

Р.К.Норматов

ЖАДВАЛ
Курилиш ишлари бўйича

Анджон шаҳар Бобуршоҳ кўчасидаги 2 ён қисмини боғловчи темир йўл ўстидан курилиш йўлини ўтказгич курилиш объекти ҳудудида (Биокиммё заводи тарафи) сўв ва оқава сўв иншоотларини кучирриш ишларини бажариш.

№	Тулов тури	Тулов миқдори	I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак		
			Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
	Шартнома киймати	1 398 483 538												
1	2022 йил	1 398 483 538				220 000 000	500 000 000	500 000 000	178 483 538					
	Молиялаштириш													

«Бош пудратчи»



Норматов Р.К.

«Ёрдамчи пудратчи»



Исмоилов Н.М.

Илова №2
13.04.2022 йил даги 2 сонли шартномага

ЖАДВАЛ

Молиялаштириш ишлари бўйича

Андижон шаҳар Бобуршоҳ кўчасидаги 2 ён қисмини боғловчи темир йул устидан қурилиш йўлини утқағич қурилиш объекти ҳудудида (Биокимё заводи тарафи) сув ва оқава сув

иншоотларини қучириш ишларини бажариш.

№	Тулов тури	Тулов миқдори	I-чорақ			II-чорақ			III-чорақ			IV-чорақ		
			Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
	Шартнома киймати	1 398 483 538												
1	2022 йил	1 398 483 538				210 000 000	488 000 000	400 483 538	300 000 000					
	Молиялаштириш													

«Бош пўдиратчи»

Норматов Р.К.



«Ёрдамчи пўдиратчи»

Исмоилов Н.М.

